

Энг ёмон идиш



08:00 / 24.02.2021 3596

(иккинчи мақола)

Америкалик шифокор Ислонни қабул қилди. Ундан Ислон динига киришининг сабаби сўралганда, «Битта ҳадис, битта мўъжиза сабабли Ислонга кирдим» деган. «Қайси ҳадис?» дейишди. У «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Одам боласига белни қоим қиладиган кичик луқма кифоядир. Бас, қориннинг учдан бири таом, бири сув ва қолгани нафас учундир» деган ҳадислари» деди-да, кетидан «Бу тиббиётнинг асослари, агар одамлар уларни амалга оширганларида, деярли ҳеч ким касал бўлмас эди» деган.

Германиядаги шифохоналардан бирида германиялик шифокор ва мусулмон журналист ўртасида суҳбат бўлиб ўтган.

Шифокор журналистдан «Мусулмонларнинг цивилизация ва ривожланишдан ортда қолишининг сабаби нима?» деб сўради.

Журналист «Мусулмонларнинг ортда қолишининг сабаби Ислон» деди. Шунда шифокор унинг қўлидан тутди ва лавҳ осилган девор ёнига олиб бориб, «Ушбу лавҳдаги ёзилган нарсани ўқи!» деди. Қараса, у ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган ҳадис турибди. «Инсон қорнидан ёмонроқ идишни тўлдирмайди, одам боласига белни

қоим қиладиган кичик луқма кифоядир. Бас, қориннинг учдан бири таом, бири сув ва қолгани нафас учундир». Ҳадиснинг сўнггида «Муаллиф Муҳаммад ибн Абдуллоҳ» деб ёзилган эди. Табиб мусулмон журналистдан «Бу кишини танийсанми?» деб сўради. Журналист «Ҳа, бу киши бизнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам» деб жавоб берди. Шифокор унга «Пайғамбарингиз шундай улуғ гапни айтган бўлсаю, сен ортда қолишингиз сабабини «Ислом» дейсанми?!» деди. Сухбат сўнггида шифокор «Афсуски, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жасади сизларда-ю, унинг таълимотлари бизда» деди.

Мутахассис шифокорларнинг юқоридаги ҳадисни тасдиқлаб айтган бу борадаги хулосалари шуки, таом ва ичимликда исрофга йўл қўйиш (ортиқча еб-ичиш) семириш касаллигининг ҳақиқий сабабидир. Семириш атеросклероз, юрак касалликлари, жигарни ёғ босиши, ўт қапида тошлар йиғилиши, қанд касаллиги, оёқ томирларининг варикози, юрак хуружи, тиззаларнинг артикуляр ревматизми, қон босимининг ортиши, руҳий касалликлар ва баъзилар азият чекаётган ижтимоий таъсирларга сабаб бўлади. Фарб мамлакатларидаги кўпгина халқаро клиникалар бошқа усул фойда бермаган беморлар вазнини йўқотишда самарали усул сифатида рўза тутишни қўлламоқдалар.

Манбалар

Muslim.uz

islamweb.net

(Тамом)

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади